

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 6 октябрь, № 209 (7711) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентини таваллуд айёми билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва янги муваффақиятлар тилади.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, тарих, маданият ва анъаналар муштараклигига асосланган стратегик шериклик муносабатларининг бугунги даражасини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Коронавирус тарқалиши билан боғлиқ мураккаб даврда пандемия оқибатларини енгиб ўтишда ўзаро ёрдам кўрсатилмоқда. Тожикистон томони ушбу хавфли касалликка қарши курашда кўрсатилган амалий ёрдам учун миннатдорлик билдирди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида товар айирбошлаш ҳажмлари ортяпти, ҳудудлар ва тадбиркорлар ўртасида кооперация кенгаймокда.

Давлат раҳбарлари ўтган ойда бўлиб ўтган қатор икки томонлама тадбирларнинг самарали натижаларини юқори баҳоладилар. Хусусан, Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси ҳамда бизнес-форум, илмий-амалий конференция, парламент аъзолари ва зиёлилар учрашувлари муваффақиятли ўтказилди, қўшма ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий объектлар очилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари икки мамлакат ҳукуматларига кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда бўлажак саммитнинг янги кун тартибини ҳар томонлама пухта тайёрлаш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишга топшириқ бердилар.

Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Телефон мулоқоти сўнгида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонга мамлакат сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбир — жорий йил 11 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган **«Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»**ги 1060–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 74-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) **9-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган **«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»**ги 1062–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг номи** ва **биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг номи** ва **биринчи қисмидаги** «Агентликнинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **14-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан давлат ахборот тизимлари орқали Агентликка берилади»;

4) **30-модданинг биринчи қисмидаги** «ихтиро патенти» деган сўзлар «ихтиро ёки фойдали модел патенти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**(Давоми 2-бетда).**

# ПОЧТА ТИЗИМИНИ ДАРОМАДЛИ СОҲАГА АЙЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Почта тизимини хат, жўнатма ва товарлар етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш орқали соҳа барқарорлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. "Ўзбекистон почтаси" АЖ тизимида мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олган 2 мингдан зиёд бўлинмалар, 7 минг нафар ходим бор. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида почта хизматининг ўрни пасайиб кетди. Хусусан, сўнгги ўн беш йилда 1 минг 300 та почта бўлинмаси ёпилган. Ўтган йили хориждан келган 6 минг тонна жўнатмаларнинг атиги 10 фоизи, курьерлик хизматларининг 30 фоизи миллий почта ҳиссасига тўғри келган.

Шу боис жойлардаги аҳвол ўрганилиб, Осиё тараққиёт банки экспертлари иштирокида почта тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрланди. Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар Сергели, Янгиқўрғон ва Тошкент туманлари почтаси мисолида тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари почта тизимини ривожлантириш учун уни даромад келтирадиган соҳага айлантириш зарурлигини таъкидлади. Хусусий операторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшимча хизматларни тақдим этиш орқали почта бўлимлари даромадини ошириш мумкинлиги айтилди.

Масалан, ҳозирги кунда электрон савдо ривожланмоқда. Интернет орқали сотиб олинган товарни эгасига етказиб беришга доим талаб бор. Қолаверса, юртимизга кириб келган халқаро ташувчи компанияларнинг ҳудудларда филиаллари йўқ. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, почта жўнатмалари ва маҳсулотларни якуний манзилга етказиб беришни йўлга қўйиш яхши самара беради.

**— Почта соҳасидаги энг асосий вазифа одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдир, — деди Президент.**

Йиғилишда якуний манзилга етказиш тизимини туманларда тажрибадан ўтказиб, келгуси йил 1 мартдан вилоят марказларида, 1 июлдан мамлакат бўйича жорий этиш режаси белгиланди. Бунинг учун жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизимини ишга тушириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, йил якунигача миллий онлайн савдо майдончасини жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Бу тизим орқали тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотини республика бўйича савдога чиқаради, миллий оператор уларни манзилига етказиб беради. Бунда "Ўзбекистон почтаси" харидор ва сотувчи ўртасида кафил бўлади. Шу мақсадда келгуси йили Тошкент шаҳрида логистика марказини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Соҳа даромадини таъминлаш учун яна бир манба — унча мураккаб бўлмаган давлат хизматларини почта бўлимларида ҳам йўлга қўйиш. Шу нуқтаи назардан, "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг олис ҳудудлардаги 300 та бўлинмасида 13 хил давлат хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, дастлаб Сергели, Янгиқўрғон ва Тошкент туманларидаги почта бўлинмаларида нақд пул инкассацияси, пластик карта амалиёти каби банк хизматларини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Сўнгги тўрт йилда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти томонидан матбуот тарқатиш ҳажми 3 баробар камайиб, унинг жами матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизни ташкил этмоқда.

Мутасаддиларга босма нашрларни қўллаб-қувватлаш учун матбуот тарқатиш тизимини ривожлантириш, даврий нашрларга онлайн обуна хизматини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Янги почта хизматларини йўлга қўйиш учун ходимларни қайта тайёрлаш, почта биносини давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлар билан бирга ишлатиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

# ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР БЎЛИШ ҲУДУДЛАР РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

*Шу йил 2-3 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева 2020 — 2022 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан танишиш мақсадида Наманган вилоятининг Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон ҳамда Андижон вилоятининг Бўстон ва Балиқчи туманларида бўлди.*



## Ўрганиш ва таҳлил



Дастлаб Тўрақўрғондаги "Дилрабо СДА" трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишилди. Бу ерда 700 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, маҳсулотлар, асосан, Россияга экспорт қилинади. Тез орада АҚШга ҳам экспортни йўлга қўйиш режалаштирилган. Шу мақсадда яқинда Туркия ва Хитой давлатларидан 200 минг АҚШ долларилик янги ускуналар олиб келинди.

— Сенат Раиси корхонамизга келиб, иш жараёни билан танишгани, таклифларимизга қулоқ тутгани бизга янада шижоат бағишлади, — дейди ушбу корхона раҳбари Маъсуда Содиқова. — Икки йил аввал вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу ҳудуддаги қаровсиз турган эски мактаб биноси "ноль" қийматда берилганди. Кўриб турганингиздек, янги бинолар қурдик. Замонавий асбоб-ускуна келтириб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашни кенгайтириш устида изланяпмиз.

Олий Мажлис Сенати Раиси корхона иши билан танишар экан, кластер фаолиятини йўлга қўйиш, бунинг учун барча шароитни яратиш, қўшимча ер ажратилиши кераклигини таъкидлади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги аёлларни иш билан таъминлаш, ишчилар фарзандлари учун мактабгача таълим муассасаси қуриш ва унга мутахассисларни жалб қилиш бўйича ҳам таклифлар илгари сурилди.

Навбатдаги манзил мазкур тумандаги Исвахон маҳалласи бўлди. Бу ерда россиялик инвесторлар томонидан очилган "RuNamtex" МЧЖ фаолияти ҳамда умумий қиймати тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига 1,5 млн. АҚШ доллари бўлган 2-босқич тўқув ва тикув трикотаж лойиҳаси кўздан кечирилди.

Иш бошланганига бир неча ой бўлган мазкур корхонада 100 нафарга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланди. Истиқболда улар сони яна шунчага кўпайиши кўзда тутилган. Айни пайтда 6 хил ўлчамда кўрпа-тўшак ёпқичлари, 3 ўлчамда сочиқ ва 8 турда футболкалар ишлаб чиқарилаётган бу корхонада Хитойдан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Маҳсулотлар тўлиқ экспортга чиқарилмоқда.

### Янги лойиҳалар учун кредитлар ажратилади

Тўрақўрғоннинг Оқтош маҳалласидаги "Оқтош текстиль" корхонаси ўз фаолиятини 2013 йилда бошлаган. Бу ерда ҳозир 400 киши меҳнат қиляпти. Маҳсулотларнинг ҳаммаси хорижга сотиляпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 4,5 миллион долларлик маҳсулот Россия, Польша ва Украина каби давлатларга экспорт қилинди.

Корхона мутасаддилари шу билан кифояланиб қолмоқчи эмас. Айни пайтда янги лойиҳа устида ишланяпти. Аммо уни рўёбга чиқариш учун маблағ керак. Хусусан, ускуна сотиб олиш учун 4,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб этилади. Сенат Раиси ушбу муаммони ўрганиб, ҳал этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга кўрсатма берди. Лойиҳа рўёби қўшимча 1200 та янги иш ўрни яратади.

➔ 3

# ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИ МАСАЛАСИ БМТ МИНБАРИДАН ЎЗБЕК ТИЛИДА ЯНГРАДИ

*Ўтган ҳафтада БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Хотин-қизлар ҳолати бўйича тўртинчи Бутунжаҳон конференциясининг 25 йиллигига бағишланган "Пекин + 25" глобал саммити бўлиб ўтди.*

## Халқаро эътироф

Юқори даражадаги видеоконференцияда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, Бош Ассамблеянинг 75-сессияси раиси Фолкан Бозкир, "БМТ — Хотин-қизлар" тузилмаси раҳбари Фумзиле Мламбо Нгсука, жаҳоннинг 170 дан ортиқ мамлакатлари раҳбарлари ва вакиллари, ташкилотнинг ихтисослаштирилган муассасалари, жамғармалари ҳамда дастурлари экспертлари, шунингдек, нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари ва фуқаролик жамияти етакчилари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан қатнашди. Сенат раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади. Унинг нутқи БМТнинг барча расмий тилига таржима қилинди.

Форумнинг асосий мақсади мамлакатлар томонидан Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси (*1995 йил*) қоидаларининг бажарилишини, гендер тенглик, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасида хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини кенгайтириш соҳасида эришилган ютуқларни кўриб чиқишдан иборат бўлди.

Маълумот учун: Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси 1995 йил 4 — 15 сентябрь кунлари Пекин шаҳрида (ХХР) бўлиб ўтган Хотин-қизлар ҳолати бўйича тўртинчи Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган эди. Пекин Ҳаракатлар платформаси халқаро ҳужжат бўлиб, унда давлатлар томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда тарғиб этиш бўйича мажбуриятлар шакллантирилган. Бугун Пекин Ҳаракатлар платформаси гендер тенгликка эришишга ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришга қаратилган сиёсатнинг олтин стандарти ҳисобланади. Унда қатъий чоралар кўриш зарур бўлган 12 та муҳим йўналиш белгиланган.

➔ 3

# ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУДУДИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессияси бугунги пандемия муносабати билан онлайн шаклда бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур сессиядаги нутқи тарихда илк бор она тилимизда янграгани барчамизнинг кўнглимизни ғурур ва ифтихорга чулғади.*

## Муносабат

Ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишга чақирган давлатимиз раҳбари экология йўналишида ҳам атрофлича фикр юритди.

Албатта, бугун давримизнинг ўткир муаммоларидан бири — глобал иқлим ўзгаришлари эканини ҳисобга олсак, ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этаётганлигининг бевосита гувоҳимиз.

Масалан, Президентимиз мазкур муаммони Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатлари билан кўрсатиб, Оролбўйи ҳудуди экологик фожианинг марказига айланганлигини таъкидлади.

Шу ўринда айтиш керакки, мавжуд аҳволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш зарурати бор. Бу йўналишда эса аллақачон кенг кўламли ишлар бошланган.

➔ 4

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимизнинг шу йил 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида билдирилган ғоялар, илгари сурилган муҳим ташаббус ва таклифларнинг моҳияти ҳамда аҳамияти, ундан келиб чиқадиган долзарб вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.*

Халқимиз давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқини нафақат муаллим ва ўқитувчилар, тарбиячилар, балки барча жонкуяр зиёлиларга йўлланган мурожаат сифатида қабул қилмокда.

Депутатларнинг таъкидлашича, Президентимиз мазкур чиқиши билан дунёда шиддат билан тезлашиб бораётган глобал ривожланиш жараёнларига чуқур таҳлил ҳамда теран мушоҳада билан ўзига хос равишда муносабат билдирди. Унинг замирида, аввало, чуқур ўйланган ва мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда уни илгари суришга йўналтирилган, миллатимизнинг барқарор тараққиётини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат мужассамдир.

Давлатимиз раҳбари таълим ва тарбия соҳасини ривожлантириш борасидаги нуқтаи назарини тақдим қилиш билан бирга, йиғилиш иштирокчилари билан мазкур долзарб масала юзасидан бевосита фикр алмашди.

Тадбир иштирокчилари ҳар бир вилоят, туманларда ўрнатилган студиялардан туриб ўз таклифлари, фикрларини очиқ ҳамда эркин билдиргани тантанали маросимга демократик руҳ бағишлади ва ўзига хос мулоқот муҳитини пайдо қилди. Бу билан Президентимиз давлат бошқарувини амалга ошириш амалиётига янги саҳифа олиб кирди.

➔ 3

# УСТОЗ ҲАЁТИМИЗДА МАЁҚ СИНГАРИДИР

*Ҳаётда ҳар бир инсоннинг устози бўлади. Умр йўлларида, турли соҳаларда йўл кўрсатган, билим берган устоз ҳаётимизда маёқ сингаридир. Узоққа бормайлик, қачондир ўзим ҳам устоз мақомига етишни истаганман. Яратганга шукрки, бугун бунга эришиш насиб этди.*

## Акс садо

Тўғри, устозлар, мураббий ва ўқитувчилар ҳақида жуда кўп ёзилган. Аслида улардан ўтказиб таъриф бериш амри маҳолдир. Аммо нима бўлганда ҳам ўқитувчи, устоз ҳамда мураббий ҳаётимиздаги, жамиятимиздаги энг эъзозли инсонлар бўлиб қолаверади...

Кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятда мақомини ошириш, уларнинг сифатли таълим бериш, изланиш, ўз устида ишлаши учун имконият яратиш борасида ҳукуматимиз томонидан талай ишлар амалга оширилди. Асосийси, бу соҳа вакиллари мажбурий меҳнатдан озод қилинди. Халқ таълими тизимидаги ўқитувчилар ортиқча қоғозбозликлардан халос этилди. Уларнинг ойлик маошлари, айниқса, олий таълим тизимида сезиларли даражада оширилди.

Яқинда "Таълим тўғрисида"-ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда ўқитувчи мақомини ошириш борасида ҳам модда киритилди. Жумладан, ўқитувчи фаолиятига четдан аралашув тақиқланиб, бунинг учун жиноий жавобгарликка қадар жазо чораси қонун билан белгилаб қўйилди.

➔ 3

## Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда) **148-моддаси иккинчи қисмининг диспозициясидаги** «Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини» деган сўзлар «Аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **125$^{1}$-модда иккинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли рухсатномасиз оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари, шунингдек умумий ҳақиқий вазни, ўққа тушувчи оғирлиги белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқиш»;

2) қуйидаги мазмундаги **125$^{2}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**125$^{2}$-модда. Бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказилган юкларни ва (ёки) йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш**

Хорижий ташувчиларга тегишли бўлган, шу жумладан улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситаларида йўловчилар ва юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида ташиш (каботаж), агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача ҳолда назарда тутилмаган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) қуйидаги мазмундаги **197$^{6}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**197$^{6}$-модда. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, шунингдек унинг кўрсатмаларини бажармаслик**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, шу жумладан унинг текшириш ўтказишига тўсқинликларни юзага келтирганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳудудлари ва иншоотларини кўздан кечириш учун уларга киритишни рад этганлик, шунингдек экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларини бартараф этишга доир кўрсатмаларини бажармаслик, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **206$^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**206$^{1}$-модда. Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик**

Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

5) **245-модданинг биринчи қисми**:

«197$^{5}$» рақамидан кейин «197$^{6}$» рақами билан тўлдирилсин;

«206» рақамидан кейин «206$^{1}$» рақами билан тўлдирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **254$^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**254$^{1}$-модда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги органлари**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги органларига ушбу Кодекснинг 125$^{2}$-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Автомобилда ташишларни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларининг автомобилда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш устидан назорат қилиш бўлимларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари»;

7) **261-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг» деган сўзлардан кейин «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда) **68-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналарига».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1082-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг» деган сўзлар «ваколатли давлат органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1088-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **1089-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **1104-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товар белгисидан охирги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби бўйича суднинг қарорига асосан бекор қилиниши мумкин»;

5) **1105-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **1106-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **1108-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **1110-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **81-модданинг бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, бошқарув директорини ёки аъзосини, шунингдек ишончли бошқарувчини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи қуйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

ушбу Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик»;

2) **86-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари, қарор қабул қилган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш чоғидаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар жамият йиллик ҳисоботининг бир қисмидир»;

3) **88-модда бешинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда аффилланган шахс билан тузилаётган, қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади»;

4) **104-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядор (акциядорлар) даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно»;

5) **106-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жамият ўзи ва аффилланган шахс ўртасида тузилган битим ҳақидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этиши шарт».

**8-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Селекция ютуқлари тўғрисида»**ги 270–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **20-модданинг еттинчи қисмидаги** «Агентликнинг Апелляция кенгашига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда) қуйидаги мазмундаги **4$^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**4$^{1}$-модда. Кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш**

Тўрт нафар ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган боласи бўлган оила кўп болали оиладир. Бунда, агар тўрт нафар ва ундан ортиқ болаларидан бир нафари ёки ундан кўпроғи таълимнинг кундузги шаклида (ўрта махсус ва касб-ҳунар, олий таълим) таълим ташкилотларида ўқиётган ҳамда йигирма икки ёшга тўлмаган бўлса, бу оила ҳам кўп болали оила деб ҳисобланади.

Давлат кўп болали оилаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлайди».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 218–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 87-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модданинг биринчи қисмидаги** «Агентликнинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»**ги 267–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **7-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг биринчи қисми** «Агентликка» деган сўздан кейин «давлат ахборот тизимлари орқали» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **16-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Агентликнинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Агентлик» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **25-модданинг учинчи қисмидаги** «беш йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»**ги 660–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда; 2009 йил, № 4, 139-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) **12-моддаси** қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги ЎРҚ–163-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда) **44-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

**бешинчи қисмнинг ўн иккинчи хатбошиси** «манфаатдор шахслар» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) аффиланган шахслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**олтинчи қисмнинг «б» кичик банди**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«эмитент ва аффилланган шахс ўртасида тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида жойлаштириш йўли билан»;

**бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**олтинчи хатбошисидаги** «муҳим факт юзага келган пайтдан эътиборан 72 соат ичида ошкор этиладиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда) **387-моддаси учинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда) **42-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Корпоратив низода иштирок этаётган тарафлар бир-биридан ва гувоҳлардан судда кўрилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни сўраб олиш ҳуқуқига эга, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно».

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган **«Қурол тўғрисида»**ги ЎРҚ–550-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданинг**:

**тўққизинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этганларга – ҳимоя ордерида қурол олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқни тақиқлаш назарда тутилган ҳолларда (ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида)»;

**ўн биринчи хатбошиси ўн иккинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

2) **28-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган шахснинг фуқаровий қуролни сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқи ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чекланганда»;

**саккизинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

3) **35-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «учинчи – ўн биринчи» деган сўзлар «учинчи – ўнинчи ва ўн иккинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда) **436-моддаси биринчи қисмининг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота ва онадан бири ёхуд ота-она вафот этган кўп болали оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда) **8-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5$^{1}$-банд** билан тўлдирилсин:

«5$^{1}$) даъвогарлар – тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан».

**19-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**20-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 4-моддасининг 1, 2, 3-бандлари, 5-бандининг иккинчи хатбошиси, 6 ва 7-бандлари мазкур Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 17-моддаси 2021 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 5 октябрь
№ ЎРҚ—640

# АВТОМАТ ШАКЛДА ВАЛЮТА СОТИБ ОЛИШ, 170 ДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТЛАРДАН ПУЛ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУМКИН

## «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ аҳоли ва мижозларга шундай қулайликлар яратмоқда.

*Мижозларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш, улар орқали одамлар орасига кенг кириб бориш молия муассасаларининг энг устувор вазифаларидан. Зеро, ушбу қоида бугунги кун, умуман, молия бозорининг талабидир. Айни пайтда мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банклари томонидан бири-биридан жозибадор хизматлар таклиф этилаётгани, мухтасар айтганда, мижозлар манфаатига мос фаолият юритишининг боиси шунда.*

### Молия муассасаларида

QISHLOQQURILISHBANK

Яқинда пойтахтимизда "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки томонидан "Банк карталарига асосланган янги банк хизматлари" мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди. Унда банк бошқаруви раҳбарияти ва тегишли таркибий тузилмалар масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилдики, Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори молия муассасалари фаолиятини янада замонавийлаштириб, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари сони ва сифатини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни кенгайтирди. Янгиликлар ҳамда истиқболли режаларга йўл очди.

Бугунги кунда мамлакатимизда банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга кўпайтириш бўйича 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш юзасидан тизимли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Пировардида тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳити ҳам янгича ишлаш ва мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини мунтазам янгилаб бориш ҳисобига такомиллашмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ тизимида мавжуд 42 та филиал, 33 та минибанк, 11 "Банк хизматлари кўрсатиш маркази", 201 та шохобча орқали аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларини замон талаблари асосида такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Марказий банк томонидан 2018 йил 30 майда тасдиқланган Контактсиз тўловлар, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплексида 2018-2019 йиллар давомида халқаро тўлов тизимлари билан биргаликда бир нечта тўлов тизимларида ишловчи кобейджинг тўлов карталарини муомалага киритиш вазифаси белгиланган. Бу борада кўрилган чоралар натижасида "Uzcard" ва "UnionPay" тўлов тизимларини ўзида мужассамлаштирган кобейджинг карточкалари ҳамда "VISA classic" ва "VISA Gold" халқаро тўлов карталари муомалага чиқарилди. Бу каби янгиликларни жорий қилиш доимий эътиборда.

Банк карталари бизнесини ривожлантириш департаменти бошлиғи Жавоҳир Алимовнинг айтишича, "VISA classic" халқаро тўлов карталари орқали дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида жойлашган "VISA" логотипи мавжуд бўлган муассасаларда тўловларни амалга ошириш мумкин. Ҳозир банк томонидан эмиссия қилинаётган "VISA Classic" карталарини интернет орқали фирибгарликдан ҳимоялаш мақсадида "3D-Secure" хизматлари жорий қилинган.

Банк мижозлари учун "VISA classic" ва "VISA Gold" халқаро тўлов карталари билан хориж давлатларида даволаниш, таълим, меҳмонхона ҳамда хизматлар учун тўловни амалга ошириш, турли савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналаридан чегирмалар қабул қилиш, зарур ҳолларда тиббий ёки юридик ёрдам олиш, чакана савдо ҳамда интернет дўконларда маҳсулотлар харид қилиш, хизматларга, шунингдек, овқатланиш учун ҳақ тўлаш, банкоматлар орқали нақд пул олиш имконияти яратилган.

Яна бир муҳим янгилик, жорий йилда юртимиз банклари орасида илк бор "Қишлоқ қурилиш банк" "Uzcard" тўлов тизими билан биргаликда "Cash-in/Cash-out" функциясига эга банкоматларда автоматлаштирилган шаклда валюта сотиб олиш хизматини йўлга қўйди. Ўз навбатида, айирбошланган хорижий валютани банкомат орқали тўғридан-тўғри банк картасига кирим килиш имконияти ҳам яратилди. Бугунги кунда банк мазкур хизматни кўрсатадиган банкоматлар сонини ошириш устида иш олиб бормоқда.

Жорий этилган яна бир қулайлик, "QQB Mobile" иловаси орқали дунёнинг 170 дан зиёд мамлакатларидан юборилган пулларни миллий ва хорижий валютада қабул қилиш, энг асосийси, келиб тушган пулни тўғридан-тўғри банк пластик картасига кирим қилиш мумкин.

Банк томонидан рақамли банк ва "Retail" — янги банк хизматларини жорий этиш борасида кўрилган чоралар, аввало, мижозлар учун қатор қулайликлар яратаётганини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда 46 дан зиёд АТМ 24/7 ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган. Улар орқали банк филиалларига бормасдан туриб, 35 дан ортиқ тўловларни амалга ошириш мумкин. Мавжуд 45 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкомати ёрдамида йил бошидан буён 2,725 млн. АҚШ доллари айирбошланди.

Умуман, 2018 йил — банкоматлар ишга туширилгандан буён бугунги кунга қадар улар орқали 3 трлн. 168 млрд. сўмдан ортиқ маблағ нақдлаштирилган. Бугунги кунда жами банкоматлар сони 207 та бўлиб, шундан 95 таси "UzCard", 112 таси "HUMO" пластик карталарига хизмат кўрсатмоқда. Ўз навбатида, 20 089 та терминал ҳамда 178 та инфокиоск мавжуд.

Пандемия шароитида аҳолига масофавий банк хизматлари кўрсатиш ҳам эътибордан четда қолмади. Банк мобиль иловаси орқали пластик карталарга on-line тарзда аризалар қабул қилиш ва буюртмаларни мижозларнинг уйларига етказиб бериш хизмати йўлга қўйилди.

"HUMO" банкоматлари ҳамда терминаллари "VISA" ва "Master card" халқаро тўлов тизимларига интеграция қилинган бўлиб, "VISA" ҳамда "Master card" халқаро банк карталарида "HUMO" банкоматлари ва терминаллари орқали сўмда тўловларни амалга ошириш мумкин.

Банк мижозлар учун янада қулай хизмат турларини таклиф этиш устида мунтазам изланишлар олиб бормоқда. Хусусан, барча турдаги банк карталарини, терминалларни on-line тарзда олиш, виртуал карта ва электрон ҳамён яратиш, мобиль тўловларни янада такомиллаштириш каби лойиҳалар устида ишлар давом этмоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

# ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУДУДИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

← 1

Бир жиҳатни алоҳида қайд этиш жоиз. Мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди тузилди. Ушбу фонд оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлишига ишонч билдирган Юртбошимизга биз ҳам ушбу йўналишдаги ишларни юқори босқичга кўтаришда елкадош бўлишимиз керак.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг мазкур ҳудуд бўйича илгари сурган таклифи кўнглимизни тоғ қилди. Чунончи, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлаш таклифи илгари сурилгани эса айниқса, эътиборга молик воқеадир.

**Мавлуда ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

***кафедралардаги қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:***

**Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси бўйича:** доцент — 1.
**Аналитик кимё кафедраси бўйича:** доцент — 1, ассистент — 2, катта ўқитувчи — 1.
**Токсикологик кимё кафедраси бўйича:** катта ўқитувчи — 1, ассистент — 2.
**Органик ва биологик кимё кафедраси бўйича:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 4.
**Фармацевтик кимё кафедраси бўйича:** катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
**Фармакогнозия кафедраси бўйича:** катта ўқитувчи — 1, ассистент — 4 .
**Фармакология ва клиник фармация кафедраси бўйича:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
**Дори турлари технологияси кафедраси бўйича:** катта ўқитувчи — 2, ассистент — 3.
**Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси бўйича:** доцент — 2, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 4.
**Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси бўйича:** профессор — 1, доцент — 2, катта ўқитувчи — 3, ассистент — 4.
**Биотехнология кафедраси бўйича:** кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 2, катта ўқитувчи — 3, ассистент — 2.
**Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси бўйича:** доцент — 2, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 1.
**Тиллар кафедраси бўйича:** катта ўқитувчи — 1, ўқитувчи — 2.
**Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси бўйича:** ассистент — 1.
**Тиббий ва биологик фанлар кафедраси бўйича:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 4.
**Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси бўйича:** профессор — 1, доцент — 1, ассистент — 1.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига мувофиқ «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади.

**Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.**
**Телефонлар: 71-256-37-38, 71-256-38-50.**

4773/


ЭЪЛОНЛАР


## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**2021 ЙИЛ УЧУН ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Ихтисослик шифри ва номи | Ажратилган квоталар сони | |
|---|---|---|---|
| | | *ТД | **Д |
| 1. | 03.00.10 — Экология | 1 | |
| 2. | 03.00.15 — Ихтиология | 1 | |
| 3. | 06.01.01 — Умумий деҳқончилик. Пахтачилик | 3 | |
| 4. | 06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик | 2 | |
| 5. | 06.01.03 — Агротупроқшунослик ва агрофизика | 2 | |
| 6. | 06.01.04 — Агрокимё | 2 | |
| 7. | 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик | 5 | |
| 8. | 06.01.06 — Сабзавотчилик | 5 | |
| 9. | 06.01.07 — Мевачилик ва узумчилик (мақсадли) | 5 | 1 |
| 10. | 06.01.08 — Ўсимликшунослик | 2 | 1 |
| 11. | 06.01.09 — Ўсимликларни ҳимоя қилиш | 5 | 1 |
| 12. | 06.01.11 — Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш | 4 | 1 |
| 13. | 06.02.01 — Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Ипакчилик. Қоракўлчилик | 2 | |
| 14. | 06.02.03 — Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси | 2 | |
| 15. | 06.02.04 — Ипакчилик | 2 | |
| 16. | 06.03.01 — Ўрмон экинлари, селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларни барпо этиш | 4 | |
| 17. | 06.03.03 — Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва агрофармэкологияси | 3 | |
| 18. | 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит | 1 | |
| 19. | 08.00.13 — Менежмент | 2 | |
| | **ЖАМИ:** | **53** | **4** |

**Қисқартмаларга изоҳ:**
***ТД** — таянч докторантура **(PhD)**
****Д** — докторантура **(DSc)**

Танловга топшириладиган ҳужжатлар рўйхати ва имтиҳон дастурлари www.tdau.uz сайтида эълон қилинади.

**Талабгорлардан ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.**
**Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат 2021 йилнинг 1 – 25 ноябрь кунлари ўтказилади.**

**(PhD)** учун — таянч докторантурада ўқишга талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширади.
**(DSc)** учун — докторантурада ўқишга кираётган талабгорлар коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

**Агарда** талабгорларда **IELTS** (ўртача бали камида 5,5), **TOEFL (PBT)** (567 баллдан кам бўлмаган), **TOEFL (iBT)** (87 баллдан кам бўлмаган), **CEFR** (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича билим даражаларини тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Бундан ташқари, юқорида номлари келтирилган ихтисосликлар бўйича мустақил изланувчилик учун ҳам талабгорлар суҳбат асосида таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га мустақил тадқиқотчиликка қабул қилинади.

***Мурожаат учун манзил:***
***100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй,***
***ТДАУ, бош бино, илмий бўлим, 311-хона.***
***Телефонлар: 71-260-48-60, 71-260-39-73. E-mail:nauka@tdau.uz***

4783/



## ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР ВА ЁШЛАР!

*Фарзандингиз олий таълим муассасасига кира олмадими?*
*Давлат гранти асосида ўқишини истайсизми?*
*Юқори даражада билим берувчи тайёрлов курсларини қидиряпсизми?*

## НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2021/2022** ўқув йилида **АБИТУРИЕНТ**ларни олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари учун ўтказиладиган тест синовларига университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари махсус дастур асосида қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди:



- **Она тили ва адабиёт;**
- **Ўзбекистон тарихи;**
- **Тарих;**
- **Инглиз тили;**
- **Математика;**
- **Физика;**
- **Биология;**
- **Кимё.**

**Дарс жараёни қатъий белгиланган жадвал ҳамда кучли назорат остида олиб борилади!**



Бизнинг тайёрлов курсларимизга ёзилиб, сиз қуйидаги **БЕПУЛ** имкониятларга эга бўласиз:
- маъруза матнлари;
- тест саволлари;
- тарқатма материаллар;
- университет кутубхона фондидан фойдаланиш;
- давлат гранти асосида талабалар сафига қабул қилинган абитуриентларимиз билим олиш усуллари билан ўртоқлашади;
- хотира ва диққатни ривожлантирувчи, ҳаяжон ва қўрқувни йўқотишга қаратилган **МАХСУС ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГЛАР**!

***Тўловлар сизга қулай усулда қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 27-уй, Низомий номидаги ТДПУ қошидаги тайёрлов бўлими. Мўлжал: Чилонзор метро бекати.**
**Қўшимча маълумотлар учун телефон: 71-276-84-34.**
**Телеграм каналимиз: @TDPU_Abituriyent**

481R/



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 702 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6